



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 101 (13.434)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК НАТИЖАЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2017 йил 11-13 май кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

12 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг икки мамлакат расмий делегациялари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда ўзаро ва кўп томонлама муносабатларга оид долзарб масалалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида атрафлича фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари 13 май кунини Пекин шаҳрининг Тяньаньмэнь майдонидаги Халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги пойгаи гул қўйди, қаҳрамонлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хитой ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Унда ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ мuddатли ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва изчил ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида сўз борди.

Учрашувда Ўзбекистонда ХХРнинг етакчи саноат компаниялари билан узоқ мuddатли ва ўзаро манфаатли алоқалар йўлга қўйилгани, нефть-газ ва телекоммуникация тармоқлари, транспорт, тўқимачилик, сайёҳлик, қурилиш, қиммат саноатида ва бошқа йўналишларда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани қайд этилди.

Бу ерда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиб келаётган ишбилармонларни кўриб турганимдан хурсандман, деди давлатимиз раҳбари. Биз хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз. Хитой бизнес субъектлари Ўзбекистондаги кўлаб янги саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда иштирок этмоқда.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Мамлакатимизда Хитой капиталли иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йиллар давомида хитойлик сармоядорлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб 8 миллиард доллар миқдорда инвестиция киритганини алоҳида таъкидлаш лозим, деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, техникавий, энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро савдо айланимси ҳажмини оширишга оид масалалар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон – Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик кўмитаси ҳамраиси Мэн Цзэнь Чжу, “COFCO” корпорацияси директорлар кенгаши раиси Чжао Шуаньян, Хитой давлат тараққиёт банки вице-президенти Чжан Сюань, Хитой Эксимбанк вице-президенти Сунь Пин, “Poly Technologies Inc” компанияси бош директори ёрдамчиси Мяо Цзэчунь ва бошқалар Ўзбекистон билан ҳамкорлик юқори натижалар бераётгани, бундан кейин ҳам ўзаро алоқаларни давом эттиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Шу кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев Халқ вакиллари Умумхитой Мажлиси Доимий кўмитаси Раиси Чжан Дэцзян билан учрашди. Мулоқот чоғида парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сизнинг ташрифингиз Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни юқори босқичга кўтаришига ишонимиз, деди Чжан Дэцзян.

Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан ҳам учрашди.

Ли Кэцян Президентимизнинг ушбу ташрифи давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш,

ўзаро стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилишини қайд этди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Хитой билан дўстлик алоқаларини қадрлашини, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани халқларимиз манфаатларига мос эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси директорлар кенгаши раиси Ван Илинни қабул қилди.

Мазкур корпорация мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазिश, Муборак газ-қиммат мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Учрашувда юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳалар ижросининг истиқболлари ва Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига Хитой сармояларини жалб этиш масалалари муҳокама қилинди. Углеводород хомашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича энг замонавий, экологик тоза ва самарадор технологиялар жорий қилиш бўйича ҳамкорликни янада кенг қўлаб давом эттириш, Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилишга қаратилган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз Хитой Халқ Республикаси Экспорт-импорт банки бошқаруви раиси Ху Сяолянь хоним билан учрашди.

Мазкур банк кредитлари эвазига мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилган. Давлатимиз раҳбари Ўзаро ишончга асосланган ва икки томон учун ҳам манфаатли бўлган ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантириш мамлакатларимиз учун муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистон банк тизими юксак даражада барқарор ва ишончли бўлиб, бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида яққол ўз тасдиғини топди.

Ху Сяолянь Хитой Ўзбекистон билан инвестициявий алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Ташрифнинг муҳим натижаларидан бири Ўзбекистон билан Хитой ўртасида олий даражадаги ҳамкорлик кўмитаси тузиш тўғрисидаги келишув бўлди. Бу билан икки мамлакат ўртасида ўзаро муносабатларнинг барча йўналишлари бўйича ҳамкорлиқни тизимли ривожлантириш учун ишончли институционал асос яратилди.

Ташриф якунилари бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги Қўшма баёнот имзоланди.

Ташриф давомида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги 100 дан зиёд ҳужжатлар имзоланди. Эришилган келишувлар доирасида кўлаб салмоқли сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 23 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром ва меҳмондўстлик учун Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга миннатдорлик билдириди ва уни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга таклиф этди. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14-15 май кунлари Пекин шаҳрида бўлиб ўтган “Бир макон, бир йўл” форумида иштирок этди.

Форумни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин очди. Хитой раҳбари форумда иштирок этаётган барча давлат раҳбарларига миннатдорлик билдириб, мазкур лойиҳанинг аҳамияти, мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлади.

Форумда 30 га яқин мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этди. Анжуманда БМТ Бош қотиби, Жаҳон банки президенти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашди.

“Бир макон, бир йўл” ҳар бир давлатнинг ўз имкониятларидан тўла фойдаланиш, иқтисодий жиҳатдан бир-бирини тўлдириш, савдо ва инвестицияларини рағбатлантириш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш учун кенг йўл очди.

Форумда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари мазкур форумнинг аҳамияти, уни такомиллаштириш ва ривожлантириш масалалари ҳақида тўхталди.

Биз табиий, ишлаб чиқариш ва инсон ресурсларига ғоят бой бўлган минтақамизда транспорт, савдо, инвестиция, энергетика ва юксак технологиялар соҳаларидаги лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутамиз, деди Ўзбекистон Президенти.

Иккинчи муҳим масала – Марказий Осиёни Хитой ва Россия орқали Жанубий, Жанубий-Шарқий Осиё ва Европа мамлакатлари бозорлари билан боғлайдиган транспорт-логистика йўналишларини очиш бўйича ҳамкорлик юзасидан комплекс ҳаракатлар дастури ишлаб чиқишдан иборатдир, деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Юртимиз қадимдан жаҳон цивилизацияси марказларидан бири бўлган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий салоҳияти мисли қўрилмаган даражада юксалди. Хорижий сармоядорларнинг фаол ва эркин иш юритиши учун кенг қулайликлар яратилган. Бундай имтиёз ва имкониятлар хорижий ишбилармонларнинг Ўзбекистонга қизиқишини тобора оширмоқда.

Турли минтақаларнинг ўзаро алоқаларида Буюк ипак йўли бекиёс аҳамият касб этган. Буюк ипак йўли нафақат ҳудудлар ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини, балки давлатлар ва китъалар ўртасида ахборот алмашуви таъминлашга ҳам хизмат қилган, янги маҳсулотлар ва қишлоқ ҳўжалиги экинлари тарқалишида, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарган ва шу тарика цивилизациялараро мулоқот учун шарт-шароитлар яратилган.

Бугун ушбу йўлни қайта тикланиши деб баҳоланаётган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо ва инвестиция соҳаларида қулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфраструктурасини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, таълим, маданий соҳаларида ҳамкорлик салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, қулай жўғрофий жойлашуви, замонавий транспорт коммуникациялари, сармоя жалб этиш бўйича пухта ва ишончли стратегияси кўлаб давлатлар ишбилармонларининг ҳамкорликка қизиқишини оширмоқда.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Абу Бакир ўРОЗОВ,
Ўза махсус мухбири.
Тошкент – Пекин – Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ – ТАРИХ ЗАРВАРАҚЛАРИДА

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг “Медиа-холл” мажмуасида 15 май кунини “Ўзбекистон маданий мероси – халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл” мавзусида халқаро илмий-маданий конгресс бошланди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан “Тараққиёт стратегияси” маркази, Фанлар академияси, Бадий академия, ЮНЕСКО ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро анжуманда АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Германия, Нидерландия, Япония, Хиндистон, Туркия, Польша, Франция, Россия, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон каби мамлакатлардан олимлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда бой маданий меросини асраш ва ўрганиш, халқимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссасини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга доимий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва

фүқаролик жамятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, маданият вазири М.Муродов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдухалимов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухалимов, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи К.Пиккат, Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили Томас Кунце ва бошқалар шу ҳақда сўз юритди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маданият, илм-фан, адабиёт ва санъат соҳалари бўйича ҳам улкан мақсадлар белгиланган.

(Давоми 2-бетда)

2017 йил 16 МАЙ, СЕШАНБА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганчада Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди ҳамкорлигида қонун ҳўжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатларини кўриб чиқиш, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш масалаларига бағишланган ҳудудий ўқув-семинар ўтказилди.

• Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон вилояти филиалига махсус жиҳозланган 14 “Damas” автомобили топширилди.

• Бухорода “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади” шиори остида ёш тадбиркорларнинг бизнес-форуми ўтказилди. Бизнес-форум доирасида 10 дан зиёд инновацион гўя муаллифлари ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларнинг лойиҳалари кўргазмаси ташкил этилди. Унда ишбилармон талаба-ю ўқувчилар энергиятежамкор қозон, мўъжаз иссиқхона, тикувчилик каби йўналишлар бўйича ўз ишларини ва режаларини намойиш қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири, Сурхондарё вилояти ҳўкимлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида халқимизнинг кўп минг йиллик миллий анъана ва қадриятлари ифодаси бўлган “Бойсун баҳори” фольклор фестивали бўлиб ўтди.

• Нукус шаҳридаги “Қирқ қиз” ресторанида Кегейли туманидаги ижтимоий муҳофазага муҳтож 19 ёш оила-нинг никоҳ тўйи ва 33 нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди. Суннат тўйлари ўтказилган болаларга уларнинг номига очилган 1 миллион сўмлик пул маблағлари ўтказилган дафтарчалар топширилди, шунингдек, туман ҳўкимлиги ва ҳўмийлари томонидан тайёрланган велосипедлар совға қилинди.

ЖАҲОНДА

• Жаҳон бозорларида нефть нархи сезиларли даражада оша бошлади. Жумладан, Нью-Йорк хом ашё биржасида ўтказилган охириги савдоларда “WTI” русумли нефтнинг бир баррели баҳоси 0,51 фоизга ошиб, 47,57 доллардан иборат бўлди. Лондондаги “ICE” биржасида эса “Brent” маркали “қора олтин” нархи 50,46 долларда (ўсиш 0,48 фоиз) баҳоланди.

• Хитойликлар Лондоннинг энг баланд биноларидан бири “The Leadenhall Building” осмонўпар иншоотни сотиб олди. 225 метр (46 қават) баландликдаги ушбу иморат Хитойнинг “CC Land Holdings” компаниясига 1,15 миллиард еврога тушди. Ушбу савдо Лондон кўчмас мулк биржаси тарихидаги энг йирик битим сифатида баҳоланмоқда.

• Италия иқтисодиётида 2030 йилга келиб кўмирдан фойдаланишга тўлиқ барҳам бериш режалаштирилди. Ўрни, иссиқлик энергиясини ҳосил қилишда мазкур хом ашё ўрнини муқобил энергия манбалари эгаллайди. Шу мақсадда янги электр станциялар, электр инфратузилмалари қурилади. 2025-2030 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган мазкур режа 3 миллиард евро миқдоридagi сарф-харажатни талаб этади.

Илм-фан билан шуғулланиш игна билан қудуқ қазिशга менгалиши бежиз эмас. Чунки жамият олдида турган долзарб масалалар ечими илм-фан ютуқлари билан камбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мазкур соҳани, олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, умрини шундай машаққатли ишга бағишлаган инсонлар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ – ЭНГ КАТТА БАХТ

Бу жиҳатлар 14 май кунини Ўзбекистон Фанлар академиясида йирик тарихчи-археолог олим, академик Эдвард Ртвеладзе таваллудининг 75 йиллигига бағишланган маросимда ҳам ўз ифодасини топди. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, Фанлар академияси аъзолари, юртимиз ва хорижий олимлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 10 майдаги фармони билан илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдаги муносиб ҳиссаси, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун ЎзФА Санъатшунослик институти бўлим бошлиғи, академик Эдвард Ртвеладзе “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов юксак давлат мукофотини Э.Ртвеладзегга тантанали равишда топширди.

ЎзФА бош илмий қотиби Б.Иброҳимов, Франциядаги Темирилар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар ассоциацияси президенти, тарихчи олима Ф.Бопертю-Брессанд, Грузиянинг мамлакатимиздаги Факуллода ва мухтор элчиси К.Жгенти, академик А.Асқаров, ЎзФА Тарих институти бўлим мудири, профессор Д.Алимова ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда илмий-инновацион потенциалнинг янги ривожланиш динамикасига асос солинаётгани, академиклар меҳнатининг муносиб қадр топаётгани ҳозирги мураккаб глобаллашув даврида кўлаб муаммоларнинг амалий ечимиди, барча соҳани уйғун тараққий эттиришда катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

(Давоми 3-бетда)

САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ

Ўқувчи-қизларни ахборот технологиялари соҳасига кенг жалб қилиш мақсадида пойтахтимизда тажрибавий тарзда амалга оширилаётган "Technovation Challenge" ("Технологик ишланмалар") лойиҳаси якунига бағишланган тадбир Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар Кенгаши ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган танлов 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган 100 дан ортиқ қизларнинг ахборот ва телекоммуникация соҳасидаги билим ҳамда салоҳиятларини ошириш мақсадида қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, маъқенини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар улкан самаралар бераётганини таъкидлаб ўтишди.

— Бугунги кунда Ўзбекистонда 16-22 фоиз қизлар технология фанларига ихтисослаштирилган олий ўқув юрларида таълим олишмоқда, — дейди "Камолот" ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши бўлими mudiri Элдор Аҳмедов. — Шу билан бир қаторда техникага оид фанларга қизиқиш, уларни мукамал ўрганиш, уларнинг меҳнат бозорига ўз ўринларини эгаллашда мазкур лойиҳа салмоқли ҳисса қўшиши кўзда тутилмоқда. "Technovation Challenge" халқаро лойиҳаси ахборот технологиялари ҳамда ҳар қандай тилларни мукамал ўрганишга ҳам хизмат қилади.

Лойиҳа қатнашчилари малакали мутахассислар иштирокидаги семинар ва ўқув машғулотларида ортирган тажрибаларига таяниб ўз дастурлари лойиҳасини татқиқ этди. Тажриба тарзида ўтказилган мазкур лойиҳа экспертлар томонидан ижобий баҳоланди.

Иштирокчилар турли номинациялар бўйича рағбатлантирилди.

Нафосат СУЛТОНОВА

ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ – ЭНГ КАТТА БАХТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 30 декабрь кунини етакчи олимлар билан учрашувида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада мустаҳкамлаш борасидаги долзарб масалалар, уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида очиқ фикрлашиб олинди. Президентимиз фармонига мувофиқ академикларга бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, дам олиш масканларида ҳар йили бепул ҳордиқ чиқариш ва даволаниш ҳуқуқи назарда тутилган. Академиклар илмий, таълим ва ишлаб чиқариш жараёنларига кенг жалб этилиб, уларга юқори малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этишлари учун зарур имкониятлар яратилмоқда.

Эл-юртимизнинг ана шундай заҳматқаш олимларидан бири — академик Эдвард Ртвеладзе. У 840 дан зиёд илмий ишлар, жумладан, 41 монография муаллифидир. Беш юздан зиёд илмий мақолалари мамлакатимиз, Россия, Италия, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Греция, Грузия, Поляша, Ҳиндистон каби давлатлардаги нуфузли илмий нашрларда chop этилган. Унинг илмий раҳбарлигида 14 фан доктори ва фан номзодлари тайёрланган.

— Эдвард Ртвеладзенинг Ўзбекистон ва Марказий Осиё, бутун Евроосий тарихи билан боғлиқ кенг қамровли илмий тадқиқотлари, ишланмалари дунёнинг етакчи илмий марказларида тан олинган, — дейди ЎзФА Яхё Фуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти директори Амриддин Бердимуродов. — Олимнинг юртимиз антик даври тарихини ўрганишдаги улкан хизматлари ҳеч қачон ўз аҳамияти ва қийматини йўқотмайди.

Академик мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Олий Мажлис Сенати (2010-2015 йиллар), ЎзФА президиуми, қўллаб-дават ва жамоат ташкилотларининг азаси сифатида самарали фаолият олиб бормоқда.

Олимнинг меҳнатлари мустақиллик йилларида муносиб қадр топмоқда. Биринчи Президентимиз фар-



монларига кўра Э.Ртвеладзega "Буюк хизматлари учун" (2001 й.), "Меҳнат шuhrати" (2003 й.) орденилари, Фан ва техника соҳасидаги Давлат мукофоти (2007 й.) берилган.

— Умримнинг асосий қисми ўзбек қишлоқларида, кўп йиллик тарих тилсимларини бағрида сақлаб келган тепаликларда ўтаётганидан мамнунман, — дейди академик Эдвард Ртвеладзе. — Ўзбекистон — инсоният цивилизацияси бешикларидан бири. Бу заминнинг буюк тарихи инсоният қай тариқа тараққиётга эришганининг ўзига хос бир исботидир. Шундай табарруқ ёшда эл-юрт эъзозига ирил — катта бахт. Президентимиз Шавкат Мирзиёевга илм-фан ривожига, академикларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратаётган юксак ғамхўрлиги, қамтарин меҳнатларимни юқори баҳолаб, Ватанимизнинг юксак мукофоти — "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирлагани учун чин дилдан миннатдорлик билдирамиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Юнусхўжаев иштирок этди.

Умид ЁКУБОВ,
ЎЗА муҳбири

ОИЛА – МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Чилонзор тумани ФХДё бўлимида 15 май – Халқаро оила кунини муносабати билан "Оила – муқаддас даргоҳ" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Мазкур тадбир "Халқ билан мулоқот" ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг жойлардаги икросини таъминлаш мақсадида ўтказилди. Унга Чилонзор туманида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, хозирда

Ийгилишда сўзга чиққан Чилонзор тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Нигора Раҳимжонова, профессор Омина Каримова, Чилонзор туман ФХДё бўлими mudirаси Сабохот Эшманова ва бошқалар республикада истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро жаннатмонанд юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етиш

кераклиги, ҳушёрлик ва огоҳлик давр талаби эканлиги, оилаларда ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлашга юксак эътибор қаратиш лозимлиги, қолаверса, бу жараёнларда оила, таълим маскани ва маҳалланинг тутган ўрни катта аҳамиятга эгаллиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

— Авваламбор, биздек нурунийларни бугунги тадбирга тақлиф этганиликлари учун ташкилотчилардан миннатдормик. Қолаверса, хозирги пайтда ёш авлодини тарбиялаш, қамол топтириш, уларга билим ва ҳунар бериш, соғломлаштириш бўйича чексиз ғамхўрликлар қилинаётганидан беҳад қувонаман. Бунинг барчаси истиқлол неъматидир. Мана шундай имтиёزلардан оқилона фойдаланган ёшларимиздан келажақда ибратли оила соҳиблари етишиб чиқади, деган умиддаман,

— дейди Фулом ота Фиёсов.

Шунингдек, давра суҳбатида никоҳдан аввалги тибиий кўрик, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари, фарзанд қуришдан олдин қандай профилактик тадбирларни қўриш зарурлиги, қолаверса, никоҳлар бузилишининг олдини олиш ва ёшларимизнинг "оммавий маданият" тасирига тушиб қолмасликлари учун оилаларда маънавий-маърифий, маданий ҳамда тарбиявий муҳитни яратишга катта эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги масалалар бўйича ҳам аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Тадбир якунида нурунийлар ва ёш келин-куёвларга эсдалик совғалари ҳамда анвойи гуллар топширилди.

Бахтиёр ЖўРАЕВ
К.Ўлмасов олган сурат

Қилмиш-қидирмиш

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Мақолаимиз қаҳрамони айни гўзал, навқирон ёшда. Яна 21 март Наврўз байрамида тугилган. Шу кунин Наврўз Аҳмедов 17 ёшга тўлганлиги муносабати билан ўртақ йилнинг 19 ёшли Санжар Қозиев, Адхам Тўйғунов ва 20 ёшли қоралган почмаси Акром Ҳамидовлар билан тугилган кунини биргаликда байрам қилишни ният қилдилар.

Наврўз, Санжар, Адхамлар пойтахтимиздаги нуфузли касб-ҳунар коллежининг 3 босқинида таҳсил олишар. Наврўзнинг почмаси А. Ҳамидов эса олий таълим даргоҳларидан бирида ўқирди.

Тўртовлон ўша кунин Чилонзор туманида жойлашган истироҳат бoғида учрашиб, мазза қилиб айландилар. Сўнгга боқса яқин "Уголок" кафесяга тугилган кунини нишонлаш учун қирдилар. Дастурхонга турли нознеъматлар тортилди. Спиртли ичимликлар ҳам қўйилди. Улар овқатланишди, маст қилувчи ичимликлардан баҳраманд бўлишди, аммо улар орасида Адхам Тўйғуновнига спиртли ичимлик йемади.

Адхамнинг спиртли ичимлик йемагани бошқаларга ёқмади.

— Наврўзнинг хурмат қилсанг, ичмасан, — деди ўдағайлаб унинг почмаси Акром.

— Йўқ ичолмайман, ҳеч қачон йемаганиман, ота-оналар рўқсат бермайдилар, — деди Адхам. Улфатлар кунинг учун Адхамни камситдилар, шундай бундан йемаслик "туноҳ" эканлигини таъкидлашди.

Адхам Тўйғуновнинг ичиб олганлар билан гапи қовушмади. У рўқсат сўраб, кечки 20 ларда уйига кетди.

Адхам кетган, ўчовлон унинг орқасидан "боғлаб сўқдилар", қайфлари ошиб, даврага қикиб рақсга тушдилар. Бу билан дам олиш мақсадида келган бошқа фуқароларга ҳалақит бера бошладилар.

Кафе мутасаддилари уларни тартибга чакирдилар.

— Пули тўланган, нима хоҳласак шуни қиламиз, — дея алжиранди Наврўз.

Тугилган кун соҳибни яна қўллаб егуликларга бюртма берди.

Соат 23 га яқинлашганда ширақайф ўчовлон қўчага чиқдилар.

Меҳрибон почча Акром Ҳамидов тугилган кун давом этишини, энди унинг ҳисобидан "туғни клуб"га бориб, хурсандчиликдан давом этиришларини маълум қилди.

Бу гап Наврўз ва Санжарга мойдек ёқиб тушди.

Улар Учтепа туманида жойлашган "туғни клуб"га қараб йўл олдилар.

Наврўз байрамида Наврўзнинг тугилган кунин "туғни клуб"да давом этди. Улар турли егулик ва ичимликларга бюртма берилди.

"Тугни клуб"да қизлар ҳам бор эди. Улар рақсга тушаётган маҳал Наврўз қизлар ёнига бориб, шилқимлик қила бошладилар.

Наврўзнинг қилигини кузатиб турган кафе кўриқчиси Азизбек Наврўзнинг ёнига келиб, бу одобдан эмаслигини, саҳнадан паस्ता тушиб ўйнаши лозимлигини тайинлади. Аммо бу гап Наврўзга таъсир қилмади, саҳнада ўйнаб, бошқаларнинг асабига тега бошладилар.

Кўриқчи Наврўзнинг ёнига келиб, клубдан чиқиб кетишлиги лозимлигини айтди.

Буни кузатиб турган Наврўзнинг почмаси Акром Ҳамидов кўриқчининг ёнига келиб, юзига бир шапалоқ туширди.

— Ҳақини тўлаб қўйганимиз, хоҳлаганимиздай дам оламиз, — деди.

Азизбек босимлик билан улардан чиқиб кетишларини сўради, бўлмаса милицияга чакирлишни маълум қилди. У телефон томон кета бошладилар. Шу пайт Акром кўриқчининг ИИБга хабар бермокчилигини сезиб, югуриб бориб, уни тегиб, ура кетди. Бунга Наврўз ва Санжар ҳам қўшилди.

Бу жанжал, ўр-тўполон туғни клуб ташқарисидан ҳам давом этди.

Кўриқчи Азизбек спорт билан шугулланган эмасми, ўзини муносиб ҳимоя қилиб, Акром ва Наврўзнинг яхшигина тазйирини берди.

Бундан жахли чиққан Акром Ҳамидов доимо ўзи билан бирга олиб юрадиган пичоқни чиқариб, кўриқчига қараб ташланди.

— Улдираман, — дея ўқирди.

Акром кўриқчининг қорин ва сон қисмига жароҳат етказди.

Азизбек ўзини қайчи олиб, лозим эди, шу боис пичоқни ҳимоя қилиб, Акром ва Наврўзга тан жароҳати етказди.

Воқеани кузатиб турган Санжарнинг қайфи ўчиб кетди, бундай бўлишини кутмаган шекилли, дарҳол тақси тўхтатиб, уйига жўнаб қолди.

"Тугни клуб"дагилар бу воқеа ҳақида ички ишлар ходимларига хабар беришган эди. Милиция ва тез ёрдам воқеа жойига етиб келди.

Авалло, тан жароҳати олганларга биринчи тибиий ёрдам кўрсатилди.

Юз берган воқеа расмийлаштирилди. Уччала шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, иш судга оширилди. Воқеага алоқадор ҳар бир шахсга нисбатан суд қонуний жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида айтганда, бу жиноятнинг содир бўлишига спиртли ичимлик сабаб...

Бундан ташқари ота-оналар ҳам айбдор. Ахир ота-она фарзандларини қаерда, қим билан, нима ишлар қилиб юргани билан қизикмайдими? Уларни ўз холига ташлаб қўйиб эса турли фожеаларни келтириб чиқариши жуда ачинарли. Бундай мисоллар барчамизни огоҳлиқга чакирши лозим.

Абдуқодир ДОНАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

ТОҶИКИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Мамлакатимиз барча қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни янада мустаҳкамламоқда. Савдо-иқтисодий алоқалар, маданий-гуманитар тадбирлар фаоллашгани бунинг яққол далилидир.

Жорий йилнинг апрель ойида Душанбе шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон сановат қорхоналари маҳсулотлари миллий кўргазмаси тожикистонликларда катта қизиқиш уйғотган эди. 9-13 май кунлари ушбу мамлакатда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигидан хабар беришларича, мамлакатимиз делегацияси Душанбе халқаро аэропортида қарнай-сурнай билан кутиб олинган. Маданий тадбирда "Ўзбекино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси вакиллари, Ўзбекистон халқ артистлари, "Нихол" мукофоти совриндорлари, халқаро танловлар голиблари, "Ўзбекистон" ашула ва ракс ансамбли иштирок этган.

Маданият кунларининг очилиш маросими 10 май кунин С.Айний номидаги давлат академик опера ва балет театрида бўлиб ўтди. Унда Тожикистон ҳукумати аъзолари, Маданият вазирлиги ва дипломатик корпус вакиллари, маданият ва санъат арбоблари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Театр фойесяида Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқларига бағишланган "Замонавий Ўзбекистон" номли фотоқўргазма ташкил этилди.

"Қоқи Наврўз" маъмусяида бўлиб ўтган "Ота" ва "Ойқиз эртаги" бадий фильмлари намойиши ҳам томошабинлар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди. Душанбе шаҳри билан бир қаторда Кўргонтена ва Турсунзода шаҳарларида ҳам концерт дастурлари ўтказилди.

Тожикистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон ва Тожикистон маданий алоқалари ҳамда Ўзбекистон маданияти кунларига бағишланган маъбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданияти кунлари Тожикистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Ўзбекистон маданияти кунлари асрлар давомида ёнма-ён яшаб келаётган халқларимиз ўртасидаги дўстлик, маданий яқинлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЎЗА

ФАОЛ ВА ЗУККО МАСЛАҲАТЧИЛАР САРАЛАНДИ

Миробод туманидаги 12-сонли мусиқа ва санъат мактабиди "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Унда туман маҳаллаларидан сараланган 22 нафар маслаҳатчи ўзаро беллашди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан қатор маздади ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган кўрик-танлов қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитнинг барқарорлашувига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинимаси бош мутахассиси Феруза Султанова. — Бунинг маҳалла фуқаролар йиғини томонидан жойлардаги кундалик ҳаётни муаммолар, ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ҳал этилишида яққол қўришимиз мумкин. Утган давр мобайнида маслаҳатчилар томонидан фарғиб тарбияси, ибратли миллий анъаналар ва ўрф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини тарғиб этиш, ҳудудда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ҳар бир оилга кириб бориб, одамлар кунлиги йўл топиш, уларнинг дарду ташвишига шерик бўлиб, қўмакка муҳтож инсонларга ёрдам бериш каби кенг қамровли вазифаларни амалга оширишда халқимиз ишончига сазовор бўлганлигини кўрсатди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинимаси ва бошқа ташкилотлар билан ташкил этилган мазкур танлов иштирокчилари баҳарётган ишлари, эришган натижаларини таъкидлашлари замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тақдим этди. Тақдимотларда маслаҳатчиларнинг маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича ишларига баҳо берилди.

"Иноқобод" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнора Сайфуддинова биринчи ўринни қўлга киритди ва танловнинг шаҳар босқичига йўланма олди. Иккинчи ўринни "Қўйлик ота" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Дипфуза Қодирова эгаллаган бўлса, бир хил балл тўплаган "Баёй" маҳалласи маслаҳатчиси Нилуфар Машрапова учинчи ўрин соҳиббаси бўлди.

Кўрик-танлов голиблари "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлинимасининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Бу каби танловлар иштирокчиларнинг билимининг синовдан ўтказиш билан бирга, ўзига хос тажриба мактабини ҳам ўтади.

Зарина РУСТАМОВА

Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2002 йил 23 августда 262-сон билан давлат рўйхатига олинган (2014 йил 9 сентябрда 262п-сон билан қайта рўйхатга олинган) Toshkent shahar "ALFA VA OMEGA" nodaviat potlojorat tashkiloti mазкур ташкилот конференциясининг 2017 йил 3 майдаги қарорига асосан иктиврий тугатилаётганини маълум қилинади.

Давлояр эълон chop этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда 263-67-49 телефон рақами орқали қабул қилинади.

• • • • • "PRIME ALUMINIUM" (303671532) хусусий қорхонаси мулкдорининг 2017 йил 15 майдаги 4-сонли қарорига мувофиқ, қорхонанинг устав фонди 760 000 000 сўм миқдоридан 750 000 000 сўм миқдоридида қаматтирилиб, янги устав фонднинг миқдори 10 000 000.00 сўмни ташкил этади. Ариза ва мурожаатлар қўйдаги манзилда қабул қилинмоқда: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий қўчаси, 24-уй.

